

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 3



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Таҳрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайжан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 29. Джурабаева Махигуль Джураевна, Бабаджанова Татьяна Балтабаевна**
АСПЕКТЫ РОМАНА В. НАБОКОВА "ЛОЛИТА".....5
- 30. Матёкубова Тозагул Ражаповна**
МИЛЛИОНЛАР ҚАЛБИГА ПАЙВАНД ШЕЪРИЯТ.....13
- 31. Ражабова Маърифат Бақоевна**
АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙГА
БАҒИШЛАНГАН МАРСИЯЛАРИ.....19
- 32. Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич**
"САОДАТ СОҲИЛИ" ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА БОБУР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ.....27
- 33. Ҳасанова Барно Юсуповна**
АСҚАД МУХТОР ИЖОДИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ.....34
- 34. Ахмедова Шоира Нематовна, Назарова Дилнавоз**
АДАБИЙ ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА.....40
- 35. Очилов Озоджон Мардиевич**
ХИТОЙ АДАБИЁТИДА РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ
ТАРИХИЙ-МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....50

Линводидактика

- 36. Hamidova Madinabonu Abduboriyevna**
COMMUNICATIVE SYSTEM-ACTIVITY APPROACH TO TEACHING ENGLISH.....58
- 37. Yakubova Feruzakhon Askarovna, Musadjanova Gulchekhra Abdumanapovna**
PROBLEMS OF TEACHING RUSSIAN TO STUDENTS OF TECHNICAL UNIVERSITIES...64

Тилшунослик

- 38. Satimova Dilafruz Numonjonovna**
DIALECTISMS AND THEIR EXPRESSIONS IN SPEECH IN
ENGLISH AND UZBEK SUBSTANDARTS.....69
- 39. Leyla Eshkuvatovna Holmuradova**
SPECIFIC POINTS CONCERNING THE FIGURATIVENESS OF LANGUAGE
UNITS IN ENGLISH AND FRENCH LANGUAGES.....75
- 40. Toʻrayeva Dildora Anyarovna**
OʻZBEK TILIDAGI SHAXSIY YOZISHMALARDA NOADABIY LEKSIK
UNSURLARNING QOʻLLANISHI VA LINGVISTIK EKSPERTIZADAGI AHAMIYATI.....80
- 41. Egamnazarova Durdona Shukhratillaevna**
PRAGMATICS OF EXPRESSIVE FORMS
(Analytical view into exclamatory sentences in English).....86
- 42. Mamajonov A.V.**
LINGVOPRAGMATIC AND LINGVOCULTURAL STUDY OF
THE SEMANTIC FIELD "HAND" IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....95

43. Холиёров Ўрал Менглиевич ТАЪЛИМИЙ КОРПУС УЧУН МОРФОЛЕКСИКОННИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	100
44. Muhammad Humayun Nadim SHIMOLIY AFG‘ONISTON O‘ZBEKLARI ETNOGRAFIK LEKSIKASI O‘ZIGA XOSLIGINI BELGILOVCHI OMILLAR.....	107
45. Нурмухаммедов Баходир Шакарбоевич ҚЎШРАБОТ ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ.....	114
46. Sodiqova Yulduz Furqatovna PHILOLOGICAL ANALYSIS OF THE TEXT AS A MEANS OF FORMING TEXTUAL COMPETENCE.....	120
47. Тураева Дилбар Мейлиевна ПРЕЦЕДЕНТ ХОДИСА ВА МАТН ТУШУНЧАЛАРИ.....	126
48. Jalilova Miray Rustambekovna THE STUDY OF TERMS AND TERMINOLOGY OF ARCHITECTURE IN LINGUISTICS...	131
49. Абулкасимова Нодира Мирзакаримовна ЭВФЕМИСТИЧЕСКАЯ РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА “POVERTY” В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ.....	137
50. Z. Djabbarova VARIOUS DEFINITIONS OF THE TERM "LITOTES" IN THE LINGUISTIC LITERATURE.....	146
51. Зайрова Қаншайым Муратбаевна ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК–СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	151
52. Муратова Дилором Махмудовна ТУРИЗМ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНИШИ.....	158
53. Турсунова Мая Эркиновна ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА СЛЕНГ – МУСТАҚИЛ ҲОДИСА СИФАТИДА.....	164
54. Назарова Саида Ахмеджановна ТИББИЙ РЕКЛАМА МАТНИНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	169
55. Алимова Севара Фарҳадовна ХИТОЙ ТИЛИ ОМОНИМЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ ҲАҚИДА.....	179
56. Календерова Аксунгул Маамутовна ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИГА ОИД МУСТАҚИЛЛИК ДАВРДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР.....	186
57. Ахунов Муқумжон Муҳаммадаминович «ЖИНОЯТ»-«CRIME» ЛЕКСЕМАСИ МАЪНОДОШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	195
58. Ғайбуллаева Нафиса Иззатуллаевна, Наврўзова Муяссар Ғайбуллаевна ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИББИЙ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ...	202
59. Юлдашева Дилором Нигматовна, Назарова Дилноза Ғуломовна, ЎЗБЕК ТИЛИ ЛУҒАТ БОЙЛИГИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК МУАММОЛАР.....	212

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Гайбуллаева Нафиса Иззатуллаевна,

Бухоро давлат университети, ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

Наврўзова Муяссар Гайбуллаевна

Buxoro viloyati Xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasi oshirish hududiy markazi Pedagogika, psixologiya va ta'lim texnologiyalari kafedrasida o'qituvchisi

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИББИЙ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-3-58>

АННОТАЦИЯ

Жамият аъзолари ўртасида ахлокий-маданий жиҳатдан қўлланилиши номувофиқ бўлган сўзлар ўрнида ишлатиладиган эвфемизмларга, айниқса, шифокор ва бемор мулоқотидаги тиббий эвфемизмларга замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашиш, янги илмий-назарий хулосаларга келиш, уларнинг лексик-семантик, услубий-функционал, лингвопрагматик, гендер хусусиятларини очиқ бериш муҳимдир. Тиббий эвфемизмлар лексик-грамматик шаклининг хилма-хиллиги, улардаги ҳиссий бўёқдорлик/буёқсизлик, вариантлилиқ хусусиятлари, эвфемик бирликнинг ноэвфемик бирликдан фарқловчи томонларни аниқлаш, эвфеманинг социал ва услубий ҳосланиши, номинациянинг метафориклиги, уларнинг тил ҳодисалари билан ўзаро боғлиқлиги каби жиҳатлар ҳақида мақолада батафсил маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: эвфемизм, табу лексик-семантик, услубий-функционал, лингвопрагматик, гендер, социал, метафорик, метонимик.

Гайбуллаева Нафиса Иззатуллаевна,

Старший преподаватель кафедры узбекского языкознания (PhD)

Бухарский Государственный Университет

Наврўзова Муяссар Гайбуллаевна

Преподаватель кафедры педагогики, психологии и образовательных технологий

Бухарского областного центра переподготовки и повышения квалификации народного образования

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ МЕДИЦИНСКИХ ЭВФЕМИЗМОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

АННОТАЦИЯ

Подходя к альтернативным эвфемизмам вместо слов, которые морально и культурно неуместны среди членов общества с современной лингвистической точки зрения, особенно к

медицинским эвфемизмам между врачом и пациентом, приходя к новым научным и теоретическим выводам и выявление их лексико-семантических, методологически-функциональных, прагматических лингвистических и гендерных особенностей имеет важное значение. Разнообразие лексико-грамматической формы медицинских эвфемизмов, их эмоциональная окраска / бесцветность, особенности изменчивости, выявление отличительных сторон эвфемистической единицы от неэвфемистической единицы, социально-методологическая адаптация эвфемизма, метафорические особенности номинации, аспекты взаимосвязи эвфемизмов с языковыми явлениями уточняются в статье.

Ключевые слова: эвфемизм, табу лексико-семантический, методологически-функциональный, прагматический лингвистический, гендерный, социальный, метафорический, метонимический.

Gaybullaeva Nafisa Izzatullaevna,

Senior Lecturer of Uzbek Linguistics Department (PhD)

Bukhara State University

Navruzova Muyassar Gaybullaevna

Teacher of the Department of Pedagogy, Psychology and Educational Technologies of the

Bukhara Regional Center for Retraining and Advanced Training of Public Education

LINGUISTIC FEATURES OF MEDICAL EUPHEMISMS IN UZBEK LANGUAGE

ANNOTATION

Approaching euphemisms which are used alternatively, in the place of words that are morally and culturally inappropriate among members of society from modern linguistic perspective, especially medical euphemisms between physician-patient communication, coming to new scientific and theoretical conclusions, and revealing their lexical-semantic, methodological-functional, pragma linguistic and gender features are essential. Diversity of lexical-grammatical form of medical euphemisms, emotional coloring / colorlessness of them, features of variability, identifying distinctive aspects of a euphemistic unit that differ from a non-euphemistic unit, social and methodological adaptation of the euphemism, metaphoric features of the nomination, aspects of euphemisms' interrelationship with linguistic phenomena are clarified in the article.

Key words: euphemism, taboo lexical-semantic, methodological-functional, pragma linguistic, gender, social, metaphorical, metonymic

Тилшуносликда эвфемизмлар тадқиқ предмети бўлган ишлар анча. Илмий адабиётларда бу ҳодисага турлича таърифлар берилганки, бу эвфемизмнинг кўп аспекти, ўзгарувчан табиатли эканлигидан дарак беради. Эвфемизмнинг лексик-грамматик шакли хилма-хил, унда ҳиссий бўёқсизлик, услубий бетарафлик ҳамда вариантлилиқ хусусиятлари мавжуд. Лексикограф О.С.Ахманова таҳрири остида нашр қилинган лингвистик қомусий лўғатда эвфемизмга “сўзловчига беадаб, қўпол, назокатсиз кўринган, ўз синоними ўрнида қўлланила олувчи ҳиссий бўёқсиз сўз ва ибора” [1, 39]. деган изоҳ келтирилган, Д.Н.Шмелев ҳам шу мазмунга ҳамоҳанг тарзда эвфемизмни «...сўзловчига маълум шароитда номаъқул кўринган, ниҳоятда ўткир, айтилиши одобдан саналмаган, айни бир маънони ифодалашга хизмат қиладиган, номуносиб сўздан сақланиш мақсадида юмшатишган ифода» деб изоҳлайди [2, 109]. Бундан ташқари, Д.Э.Розенталь, А.Кацев, Е.Тюрина, А.А.Евгеньева каби олимлар таърифи ҳам келтирилган.

Умуман олганда, тилшунослар эвфемизм атамаси остида тақиқланган сўз ва иборалар ўрнида қўлланилувчи бирликни бирлаштирар экан, эвфемик бирликни ноэвфемик бирликдан

фарқлашнинг ягона тамойилини ишлаб чиқишда бир фикрга келишмаган. Назаримизда, эвфемик бирликни ноэвфемик бирликдан фарқлашда эвфеманинг кенг тарқалганлиги (кенг тарқалганми ёки эпизодик мавқедами); услубий хосланиши (қўлланиш соҳаси); номинациянинг метафориклиги, хушоҳанг ва ёқимлилиги; эвфемик характерга эгаллиги; эвфемизмларнинг тил ходисалари билан ўзаро умумий боғлиқлиги каби белгиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Эвфемизм қўлланиладиган соҳаларни чегаралаш – муаммоли масала. Улар фақат касбий мулоқотда эмас, кундалик ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам қўлланилади.

Айниқса, тиббиётда эвфемизмлардан фойдаланиш анъана тусига кириб қолган, чунки қадимдан касаллик ва ўлим билан боғлиқ ҳолатлар табулаштирилган. Касбий мулоқотда эвфемизмларнинг бир ёки бир неча аспекти барабар воқеланиши мумкин. Хусусан, тиббиёт ходимлари нутқида унинг ижтимоий, психологик, лингвистик аспекти ўрни билан, вазият-шароит, нутқ талабига кўра намоён бўлади. Нутқда инсон физиологияси ва анатомияси билан боғлиқ хусусият ёки ҳолатлар ифодаланганда биринчи ўринда ижтимоий аспект воқеланиши кузатилади. Масалан, кўр сўзи ўрнида кўзи оғир бирикмаси ишлатилади: *Бепул фойдаланиши ҳуқуқи кўзи оғир ногиронлар ва кўзи оғир ногиронларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга берилади* («Шифо-инфо». 2017. №39. – Б.14.). Шунингдек, кар сўзи ўрнида қулоқдан қолиш, эшитиш қобилиятининг ёмонлашиши, теварак-атрофдаги овоз, сўзлардан мосуволик, мулоқот қилиш имкониятининг чекланганлиги каби бирикмалар қўлланилади. Жамиятда жисмонан камчиликли кишилар ва ногиронлар имконияти чекланган ижтимоий тоифани ташкил этиши алоҳида исботни талаб этмайди. Бу тоифа вакиллари билан мулоқотда инсондаги жисмоний нуқсонни ўз номи билан ифодалаш сўзловчи ва тингловчига бирдек ноқулайлик, ёқимсиз ҳис бағишлаши ҳам изоҳга ўрин қолдирмайди. Шунинг учун кўпроқ тиббиёт ходимлари нутқида психологик аспект етакчилик қилади. Мазкур аспектнинг етакчилиги эвфемаларнинг қўлланиши билан белгиланади ва бунда уларнинг қўлланиш частотаси баланд бўлади. Тиббий амалиётда номи кўркув, уят, ноқулайлик, нафрат каби салбий ҳиссиёт туғдирадиган физиологик ҳолат, касаллик ва у билан боғлиқ ходисалар мавжуд. Салбий руҳий кечинма уйғотувчи бундай ҳодиса номлари нутқда эвфемалашади. Масалан, қорин бўшлиғида (ичакларда) йиғилган ҳаво (дам)ни чиқариш ҳолати, одатда, *бод чиқармоқ, бўшаниб олмоқ* бирикмалари орқали ифодаланади: *Шифокор энгил тин олиб қўлини юваётганда, ҳамширалар ундан «суюнчи» олишди. Устоз чақалоқ бўшаниб олди* («Сихат- саломатлик». 2016. №6. – Б. 24.). Кўп ҳолларда «қисир» ўрнида «бепуш» сўзи қўлланилади: *Бепушлик ҳамда жинсий ҳаётдаги турли муаммолар сабабли шифохоначилик мурожаат этувчилар кўпчиликти ташкил этади* («Шифо- инфо». 2017. №39. – Б. 37.).

Қайд этганимиздек, нутқ эвфемизациясининг лингвистик аспекти мавжуд. У эвфемизм қўллашга хос белги, ишора ва шарт-шароитларни аниқлаш имконини беради. Сўзловчи (шифокор) эвфемик бирликни танлар экан, қандай шароитда қайси бирликни танлаши бемор ёки унинг яқинларига етказётган ахборотини ўз мақсадига мувофиқ тингловчига ноқулайлик, уят, ўнғайсизлик ҳиссини пайдо қилмай етказишни кўзлайди. Шунинг учун нутқда кишида ортиқча ийманиш, ҳаё қилишни кўзғатмайдиган шарт-шароит, шунга мос ифода воситалари, айниқса, муайян тана аъзоларини аташда муқобил ифодалар танланади. Масалан, жинсий аъзолар ифодаси *жиддий аъзолар, нозик соҳалар, қориннинг пастки қисми, пешоб чиқариш канали* каби сўз бирикмалари билан алмаштирилади.

Даволаш амалиётида деонтологиянинг муҳим фактори сифатида нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади. Тиббий этика шифокор ички дунёсининг кўзгуси саналади. Нутқий этикет масаласи билан шуғулланган таниқли мутахассис Н.И.Формановскаянинг фикрича, нутқий этикет – нутқий хулқ-атвори тартибга солувчи қоидалар, суҳбатдош билан алоқани танланган тоналикда ўрнатиш, тутиб туриш ва узиш учун жамият томонидан қабул қилинган ва

буюрилган мулоқотнинг миллий ўзига хос, стереотип, барқарор формулалари эканлигини ёш авлодга, умуман, сўзлашувчиларнинг барчасига етказиш зарур. [3, 52]. Психотерапия – беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалик билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиш. Психотерапияда шифокор нутқи, сўзлаш маданияти, беморга сўз воситасида ижобий таъсир этиш кўникмасининг шаклланганлиги шифокор муваффақияти гаровидир.

Ўзбек тилида табуга нисбатан ўлим, оғир касалликни ўз номи билан атамаслик, айтилиши уят саналган предметларни номлаш қабиларга тегишли бўлиб қолган. Кузатишларимиз тиббий фаолиятда социал, этнографик табу, тиббий нутқда эса лингвистик табунинг мавжудлигини кўрсатади. Масалан, янги туғилган чақалоқни бегона кўзлардан асраш табунини келтириб чиқаради: чақалоқ қирқ кунлик бўлмагунча бегона кишига кўрсатилмайди. Янги фарзанд кўрган аёлга айрим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг тақиқланиши ҳам табуга мисол бўлади. Бу тиббиётда мавжуд социал табудир. Тиббиётда табунинг махсус кўриниши ҳам бор: ОИТС ёки жуда хавфли юқумли касалликка чалинган бемор билан мулоқот табулаштирилади. Шунга ўхшаш медицина ман этган ҳолатлар тиббий табуга мисол бўлади.

Шифокорлар нутқини таҳлил қилиш натижасида, асосан, 1) шифокор «ёлғони» ўрнида фойдаланадиган эвфемизм; 2) ўладиган беморга айтиладиган эвфемизм; 3) ўлган беморнинг яқин қариндошларига айтиладиган эвфемизмларнинг кўпроқ ишлатилишига гувоҳ бўлдик. Бу эвфемик гуруҳлар, асосан, «кўрқув» ҳиссини камайтириш ҳамда «воқелик моҳиятини яшириш»ни мақсад қилади. Шифокор бемор билан мулоқот жараёнида нутқ эвфемизациясига эҳтиёж сезади. Унинг нутқий кўникмаси, мулоқот малакаси эвфемик бирликларни ўзлаштириш орқали такомиллаштириши мумкин.

Тилшуносликда эвфемизациянинг усул ва воситалари, мавзувий гуруҳлари изоҳи кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва турли илмий муҳокамага сабаб бўлган масалалар. Рус ва инглиз тили материаллари асосида тадқиқ этган тадқиқотчилар талқинидаги мавзувий гуруҳларни умумлаштирсак, эвфемик бирликлар касаллик ва ўлим, ақлий ва жисмоний етишмовчилик, жиноят ва унинг оқибатлари, камбағаллик ва йўқчилик, жинсий муносабатлар ва бошқа семантик синфларга ажратилганлигига гувоҳ бўлдик. Турли олимлар томонидан тадқиқ қилинган мавзувий таснифларнинг хилма-хиллигини ўрганиб, тиббий даврий нашр материалларига таяниб ўзбек тилидаги тиббий эвфемизмларнинг 12 та мавзувий гуруҳларини аниқлаб, уларни қуйидагича таснифладик:

1. Инсоннинг айрим физиологик ёки жисмоний жараён-ҳолатини англатувчи эвфемик ифодалар.

2. Ўлим билан боғлиқ эвфемизмлар.

3. Касаллик билан боғлиқ эвфемизмлар.

4. Давосиз ёки давоси узок касаллик номлари билан боғлиқ эвфемизмлар.

5. Жамият тарафидан уят, қўпол деб қабул қилинган касалликлар ва алоҳида ҳолатларга асосланган номланишлар.

6. Жинсларга боғлиқ эвфемизмлар.

7. Жинслараро (эркак ва аёл) муносабатларига нисбатан қўлланиладиган эвфемизмлар.

8. Жинсий аъзолар номи билан боғлиқ эвфемизмлар.

9. Аёлларнинг узрли ҳолатлари (ҳомиладорлик, ҳайз пайти) билан боғлиқ эвфемизмлар.


10. Инсон тана аъзоларини ифодаловчи эвфемик ифодалар.

11. Биомоддани англатувчи эвфемик ифодалар.

12. Инсоннинг жисмоний нуқсонларини англатувчи эвфемик ифодалар.

Ўзбек тилидаги тиббий эвфемизмларни кузатиш, таҳлил қилиш натижасида маълум бўладики, эвфемизмлар воситасида ёқимсиз ахборот нейтрал ҳолда етказилади ва тиббий нутқ кўркамлашади.

Жаҳон тилшунослигида биз кузатган тадқиқотларда эвфемизмларнинг структурал гуруҳлари, структур тузилиши масалалари тадқиқ этилмаган. Ўзбек тилшунослигида эвфемизмнинг структурал тузилиши Х.Қодирова томонидан қисман ўрганилган, З.Холманова «Бобурнома» лексикасини ўрганар экан, тиббий терминларнинг структур-морфологик тузилиши ҳақида ҳам қимматли фикрлар айтиб ўтган. Умуман айтганда, ўзбек тилидаги тиббий эвфемизмлар структур-морфологик тузилиши жиҳатидан содда, қўшма сўз, қўмакчи феълли сўз қўшилмаси шаклида учрайди. Тиббий эвфемаларга мансуб *туғмоқ* феъли маъносини ифодаловчи эвфемизмлар мисолида уларнинг тузилиши таҳлилга тортилган.



Тиббий эвфемизмлар ифодаланиш шаклига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

- 1) сўз-эвфема;
- 2) бирикма эвфема: а) эркин бирикма шаклли эвфема; б) турғун бирикма шаклли (ибора) эвфема;
- 3) гап-эвфема.

Биринчи навбатда, эвфемизмлар тиббий нутқда сўз-эвфема кўринишида ифодаланади. Масалан, *фарзандли бўлиш* [сифат+феъл] таркибли қўшма феъли нутқда *туғмоқ* феълининг эвфемик ўриндоши сифатида қўлланади: *Унинг бирдан-бир орзуси фарзандли бўлиш* («Ташхис». 2016. №2. – Б.11.).

Тиббий нутқда эвфемик бирликлар нафақат сўз-эвфемалар кўринишида, балки эркин бирикма шаклида ҳам ифодаланади. Чунки тилда эвфемик маънони содда (туб ёки ясама) ва қўшма сўз кўринишида ифодалаш имконияти бўлганидек, эркин бирикма шаклида ҳам ифодалаш мумкин. Бу имкониятлар тилнинг номинатив функцияси ва унинг қамровини тўла акс эттирмаса-да, лисоний номинациянинг эвфемик номлашга хос икки усулини белгилаш учун етарли. Шунга кўра, нутқда эвфемик бирликлар сўз ва эркин бирикма тарзида гавдаланади ҳамда ифодаланишни, денотатни ўриндошлик асосида алмаштирувчи восита каби вазифа бажаради.

Эвфемик бирликлар эркин бирикма шаклида қўлланилишига ишонч ҳосил қилиш учун тиббий нутққа оид далиллар зарур. Қуйидаги мисол фикримизни далиллаш учун келтирилди:

Душвор дард. Итда қутуриш пайдо бўлиши ва буни одамга юқтириб, душвор дардга йўлқитириш дунёда кузатиладиган фалокат. Тишланган одам, ит тишлаган... («Ташхис». 2017. №47. – Б.14.). Кўриниб турибдики, тиббиёт ходимлари тилида *қутуриш* касаллиги нуткий этикетни таъминлаш мақсадида *душвор дард* бирикмаси билан номланган. *Нозик давр, она сути билан парваришлаш, орқа чиқарув канали, жиддий аъзолар, нозик соҳалар, пешоб чиқариш канали* каби бирликлар айтилиши уят саналган физиологик жараёнлар ҳамда жинсий аъзоларнинг тиббий нутқдаги эвфемик ифодаси бўлиб, эркин бирикма кўринишига эга.

Вужудга келмоқ, дунёга келмоқ, дунёга келтирмоқ, дунё юзини кўрсатмоқ, кўзи ёримоқ, бўйида бўлмоқ, омонатини топишмоқ сингари турғун бирикмалар эвфемик ифода ҳосил қилиш вазифасига кўра бирлашувини, аммо ҳар бири алоҳида, ўзига хос қўлланиши асосида бу вазифани бажарганлигини далиллайди. Шу билан бирга, айтилган вазифаси туфайли улар ибора-эвфема сирасига киришини тасдиқлайди ва эвфемик бирликларнинг ибора-эвфема кўриниши мавжуд, деган хулосага асос бўлади. Зотан, бу тил бирликларининг фразеологик луғатдан ўрин олганлиги ҳам уларни *туғилмоқ, туғмоқ, ҳомиладор бўлмоқ, ўлмоқ* сўзларининг эвфемалари сифатида баҳолаш учун етарли далилдир.

Бундан ташқари, эвфемик бирликлар гап шаклида ифодаланиш имкониятига эга. Нутқий воқеликда улар гап қурилмали вариантда, содда ёки қўшма гапни ташкил этувчи сифатида қўлланилишини куйидаги ҳосилалар маълум қилади:

1. *Унинг озгин қорамтир қўлларида бирон сеҳр бор эканми, беш-олти дақиқа урингандан кейин тўсатдан чақалоқ ингаси эшитилди* (П.Қодиров. «Авлодлар довои». – Б.134.). 2. *Янги меҳмон келди дунёга, қариши олди гўдакни замин, Ўйрақлади тебратиш учун, айланарди шошилмай вазмин* (А.Омонтурдиев. «Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати». 2006. – Б. 43.) Нутқий ҳосилаларда *туғилмоқ* маъноси *чақалоқ ингаси эшитилди, янги меҳмон келди* каби эвфемик бирликлар орқали ифодаланганлиги англашилади. Мазкур ҳосилалар бу эвфемик бирликларнинг структур жиҳатдан содда гап лисоний қурилиш қолипи – [WPm]нинг нутқий воқеланишига ишора қилади:

Чақалоқ ↔ (қаратувчи) ингаси ↔ (эга) эшитилди ← (кесим)
Янги ↔ (аниқловчи) меҳмон (эга) келди (кесим) →

Демак, уларни [WPm] қурилмали эвфемик бирликлар ёки гап-эвфема сифатида баҳолаш мумкин. Эвфемик бирликлар сирасидаги гап-эвфема нутқий воқеланишда гап таркибий қисми, кесим ёки унинг қуршовини шакллантиради.

Эвфемизмларнинг ҳосил бўлиш йўли ва усулларини рус тилшунослигида илк тадқиқ этган Ж.Ж.Варбот унинг ўриндошлик, тасвирий ифода орқали аташ, умумий номлаш, олмошлар билан алмаштириш каби кўринишлари хусусида дастлабки хулосаларни берган. Л.А.Булаховский, Б.А.Ларин, А.А.Реформатский, Б.В.Томашевскийлар ҳам эвфемизмнинг ҳосил бўлиши ҳақида айрим фикрларни айтиб ўтишган. Кейинроқ эвфемизмларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати С.Видлак ишларида, эвфемизация усуллари Л.П.Крисин, В.П.Москвин тадқиқотларида махсус ўрганилган.

Ўзбек тилида эвфемизмлар ҳосил бўлишини тиббий эвфемизмлар мисолида ўрганиш тилимизда тиббий эвфемизмларнинг ҳосил бўлиш усуллари ва эвфемизация воситаларини аниқлаш имконини беради. Булар:

1. Метонимияга асосланган тиббий эвфемизмлар – ифодаланмишларнинг ўзаро боғлиқлиги, алоқадорлиги асосида бир ифодаловчининг бошқа ифодаловчи учун ишлатилиши. Масалан: *қулоқдан қолиш, ҳордиқ бузилиши*.

2. Метафора асосида ҳосил бўладиган тиббий эвфемизмлар – нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўхшашлик асосида бирор лексеманинг ўз хусусий ифодаланмишидан бошқа нарса ва ҳодисаларни аташ учун ишлатилиши. Масалан: *ортиқча вазн, ҳайз тўхташ даври, заиф эркак*.

3. Маънони ноаниқ ифодалаш асосида ҳосил қилинадиган тиббий эвфемалар. Бундай усуллардан бири – гиперонимизация, яъни предмет ёки воқеа-ҳодисани умумлаштирувчи ном билан аташ. Масалан: *имконияти чекланганлар, кўриш билан боғлиқ муаммолар, жинсий нотекислик*.

4. Перифраза асосида ҳосил қилинадиган тиббий эвфемизмлар. Ўзбек тилида перифраза (тасвирий ифода) асосида ҳосил қилинадиган тиббий эвфемизмлар: *қарилик даракчиси, қарилик даврининг илк аломати, қизлик иффати, йигитнинг иккинчи юраги*.

5. Сўзни ўз (тўғри) маъносида қўллаш орқали ҳосил қилинадиган тиббий эвфемизмлар ўзбек тилидаги эвфемик қатламнинг катта қисмини ташкил этади. Бундай усулнинг бир кўриниши китобий сўз-ифодалар, хусусан, тиббий атамаларни қўллаш, иккинчи кўриниши тилга ўзлашмаган хорижий сўзни қўллаш асосида ҳосил бўлади. Аслида бу икки кўриниш бир-бирига ўхшаб кетса-да, уларни фарқлаш лозим. Бундай эвфемик воситаларни фарқлашда сўзнинг изоҳли луғатдан ўрин олган ёки олмаганлиги, терминлик хусусиятидан келиб чиқилади. *Андропауза, вагиноз, ареола* соф тиббий атамалар бўлиб, бу турдаги терминлар ўзбек тилининг изоҳли луғатида учрамайди, аммо *эрекция, гипертония, потенция* атамалари ўзбек тилига ўзлашган сўзлардир. Бундай бирликлар дисфемик характерли сўз билан айнан бир маънони ифодалашга хизмат қилса ҳам, этик ва эстетик жиҳатдан номувофик, айтилиши ёқимсиз ва уят бўлган сўзлар етказувчи ахборотни очиқ ифодаласлик, «пардалаб» қўллаш учун мўлжалланади. Тиббий терминлар ва тилга ўзлашиб улгурмаган сўзлар оммалашмаганлиги сабабли бундай бирликлар маъноси ва эвфемик восита сифатидаги вазифаси матнда (контекстуал) қўлланилишидан англашилади. Сўзни ўз (тўғри) маъносида қўллаш усули ўзбек тилидаги эвфемизация имкониятини тиббиётга хос эвфемик воситаларни шакллантириши орқали намоён этади.

Ўзбек тилида антифразис, прономинализация (тил бирликларини олмош билан алмаштириш), эллипсис, синекдоха, мейозис (воқеликни кучсиз ифодалаш) усуллари билан ҳосил қилинган тиббий эвфемизмлар ҳам мавжуд.

Жаҳон тилшунослигида эвфемизмларнинг социолингвистик аспекти М.Бауман, Б.Купер, Ж.Хьюз, Х.Росон, Ф.Беквит; рус тилшунослигида С.Г.Тер-Минасова, В.И.Жельвис, А.А.Реформатский, Л.Г.Лузина, Л.П.Крисинлар томонидан тадқиқ этилган [4, 232]. Ўзбек тилшунослигида Н.Исматуллаев, А.Омонтурдиев, Ф.Шарипова ишларини ҳам шундай тадқиқотлар сифатида қайд этиш жоиз. [5, 93].

Эвфемизм – миллий-ментал хосликни намоён этувчи тил бирлиги. Тилларнинг эвфемизм фаол ҳосил қилинадиган лексик-семантик майдонларини қиёслаш табу тизимидаги фарқни, одоб ва одобсизлик ҳақидаги тасаввурларни, миллатнинг лисоний манзарасида лингвокультурологик хосликни кўрсатади. Ҳар бир тил ўзига хос ифода тарзига эга. Ўзбек тилида эвфемалашувни талаб қилган тил бирлиги бошқа тилда, айтайлик, рус тилида бундай ифодага эҳтиёж сезмаслиги мумкин.

Ўзбек тилида миллий ўзига хосликни акс эттирувчи бирликлар орасида шундай бирликлар борки, ҳатто таржима луғатларида ҳам муқобилини топиб бўлмайди. Улар лингвокультурологик аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Нутқий ҳосилаларда *дунёга келтирмоқ* ибора-эвфема вариантининг *туғмоқ* ўрнида қўлланиши, *бўйида бўлмоқ* ибора-эвфема кўриниши *ҳомиладор бўлмоқ* сўзини алмаштириши, *вояга етмоқ* ўрнида *етилмоқ* сўзининг ишлатилиши ўзбек тили лингвомаданий табиатини намоён этади. Зеро, ўзбек жамиятига хос маданият ва одоб-ахлоқ меъёрлари эвфемик маъно орқали, қандай шаклланган (сўз ёки бирикма) бўлишига қарамай, рўёбга чиққан. Бу эса айнан тиббий эвфемалар вазифасида тилнинг миллий-этник хусусияти қамраб олиниши ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Ўзбек тилида миллий-этник табиатга эга бўлган тиббий эвфемалар куйидагича гуруҳланди:

1) кўчма маънода қўлланувчи эвфемик бирликлар. 1. *Кўйинимизнинг аёли бўлмабди* («Оила ва жамият». 1992. №4. – Б.12.). 2. *Кўзим оғриб, кўз шифокорига мурोजаат қилган эдим, ёшим ўтганлиги сабаб кўзимнинг хиралашуви бошланганлигини, операция қилиш кераклигини айтди. Тиг остига ётишга қўрқаман* («Шифо-инфо». 2019. №14. – Б.3.). 3. *Чолнинг юраги охириги марта бир сапчиб тушди, тинди, юзлари кўкарди, кўзлари очиқ ҳолда нурдан қолди* («Даракчи». 2017. №9. – Б. 40.);

2) ўз маъносида қўлланувчи бирикмалар билан қўлланувчи эвфемалар.


1. *Халқ орасида «детская матка» деб юритилувчи бу касаллик тиббиётда бачадон гипоплазияси ёки ўсмай қолган бачадон деб юритилади* («Шифо-инфо». 2016.№7. –Б. 20.). 2. *Сурункали простатитда 100 дан ортиқ аломатлар кузатилиши мумкин. Аммо аксарият эркаклар пешоб ажралишида ноқулайлик ҳисига аҳамият бермай, бор эътиборни қорин остидаги оғриқларга қаратишади* («Шифо-инфо». 2019. №7. – Б.22.);

3) сўз шаклида ифодаланадиган эвфемалар. 1. *Ҳомиладорликнинг илк даврларида кўпчилик аёлларда бошқоронгулик ёки фан тилида айтганда токсикоз ҳолати кузатилади* («Ташхис». 2016. №32. – Б.21.). 2. *Войдод! ... Қизимни бепарда қилибдилар, – деб фарёд қилди* (А.Омонтурдиев. «Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати». 2006. – Б.32.);

4) ибора-эвфемалар. 1. *Тирноққа зор оилалар учун қонуний шароит яратилади* («Шифо-инфо». 2018. №14. – Б.42.). 2. *Аёл кўринишидан ўзини олдирган эмасми? Унда камқонлик борми? Агар жавоб ҳа бўлса, яхшироқ овқатланиш йўллари айтиш* («Ҳамшира». 2018. №3. – Б. 13.).

Тилимизда касаллик номларининг ўзбекча сўзлар билан аталиш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Бу тиббий терминология миллий колоритга эга сўзлар билан бойиб боришини кўрсатади. Тиббий атамалар сирасида *чанг чалиши (аллергия), чечак, сафроли қизилча, зиққинафас, зотилжам* каби касаллик номларининг мавжудлиги, умуман, бундай атамалар нутқда хорижий номларнинг ўзбек тилидаги муқобили сифатида қўлланиши, айти пайтда, тиббий терминларни алмаштириши билан эвфемизацияга имкон яратиши миллийлик омили устуворлашувидан дарак беради.

Гендер лингвистикаси – тилнинг ижтимоий-социал аспекти, шахс биологик хусусиятининг тилда намоён бўлувчи омилларини тадқиқ этувчи соҳа. Тилнинг гендер тадқиқи йўналишида Е.И.Горошко, Е.С.Гриценко, Е.А.Земская, М.А.Китайгородская, Н.Н.Розанова, О.Л.Каменская, Д.Таннен, Г.Е.Крейдлин, Ж.Коатс, Р.Лаков, А.В.Кирилина, Е.А.Здравомислова, А.А.Темкина, А.В.Поплевко, Е.П.Надольская, Ш.Ч.Сат олиб борган тадқиқотлар диққатга сазовор. Ўзбек мулоқот ҳуққининг жинс жиҳатдан ҳосланиши ҳақида тадқиқотчи С.Мўминовнинг фикрлари эътиборга молик. Олим гендер омилни нутқнинг ўзига ҳослигини аниқлашнинг муҳим жиҳати деб қарайди. Гендер – жинснинг маданий нуқоби, бизнинг ўз ижтимоий-маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашларимиз. Жинс инсонга тегишли эмас, балки инсонга оид, у эса ҳокимият ва тилга эга. Гендер аёл ва эркакка таъсир кўрсатувчи барча ижтимоий жараёнларда мавжуд. Тиббий эвфемаларда ҳам гендер фарқланишни қуйидагича изоҳлаш мумкин:



Тиббий эвфемизмларнинг касб эгаси нутқи ва ёшга кўра фарқланишини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Тиббиёт ходими – мутахассис нутқида хос эвфемик бирликлар. *Аёлларда ҳам жинсий майлнинг сусайиши кузатилади. Тиббиётда бу жинсий фригидлик деб юритилади* («Шифо-инфо». 2016. №7. – Б.20.); *Бачадон миомаси кўп ҳолларда белгисиз кечгани боис кўпчилик аёллар бунни пайқамай қолади. Бу эса касалликни ўтказиб юбориш ва уни бартараф этиш учун*

жарроҳлик амалиётини четлаб ўтолмасликка сабаб бўлади. Агар касаллик вақтида даволанса, оналик бахтига эришиши мумкин («Шифо-инфо». 2016. №7. – Б.20.).

2. Тиббиётга ёндош касб эгалари нутқида хос тиббий эвфемалар. Бу гуруҳни ташкил қилувчи эвфемалардан *ғўзаллик ўғриси, юзда очилган баҳор гуллари* косметология соҳаси билан шуғулланувчилар (косметологлар) нутқида; *меҳнат дафтарча* (қорин эвфемаси) эса соғлом турмуш тарзини шакллантириш; инсон организмнинг умумий жисмоний тайёргарлиги (фитнес, шейпинг, аэробика)да ташқи кўриниш, *қомат реставраторлари* – фитнес тренерлар ва спорт усталари нутқида; *норасолик комплекси, бахт гармони, кўриш қуввати, мослашувчан механизм, хасталикдан фориғ бўлиш* каби кўринишлар психологлар, айниқса, маслаҳатчи-психологлар нутқида қўлланишини қайд қилиш лозим. *Юз ва танада пайдо бўладиган катта-кичик «ғўзаллик ўғриси» (доғ)нинг бошиқа сабаблари ҳам бор* («Бекажон». 2018. №100. – Б.42.); *Қоматингизни кўркамлаштириш учун «меҳнат дафтарчангиз» даги қисмларни озгина қисқартишига тўғри келади* («Даракчи». 2013. №64. – Б.32.).

3. Умумистеъмолдаги тиббий эвфемалар. Бундай тиббий эвфемалар турли касб эгалари томонидан кенг қўлланилиши маълум соҳа ёки муайян қатламга хослик нуктаи назаридан бетарафлигини кўрсатади. Фикримиз далили сифатида қуйидаги мисолни кузатиш kifоя: *Айрим чақалоқларнинг орқа авратлари қизариб, баъзан яллиғланиб кетади. Майда тошмалар пайдо бўлади* («Саломатлик таквими». 2019. №4. – Б.16.); *Болани эмизишдан олдин эмизикни тозалаш зарур* («Саодат». 1997. №6. – Б.18.).

Ўзбек тилидаги тиббий эвфемизмларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, улар маълум ёшдаги шахс нутқида фарқланмайди, балки ёшга кўра фарқ тиббий эвфеманинг ўзига хос. Тиббий эвфемаларни ёшга нисбатан фарқлаш асосида: 1) «Болаликка оид» белгили тиббий эвфемизмлар (*Рахит – эрталабки қуёш нуридан баҳраманд бўлмаган болаларда ультрабинафша нурлари етишмаслиги рўй бериши*) («Сихат-саломатлик». 2018. №4. – Б.14.); 2) «Ўсмирликка оид» белгили тиббий эвфемизмлар (*Пубертат – балоғатга етиш даврини 12-17 ёшда кузатиши мумкин. Бу давр 5-6 йил давом этади ва ўзгаришлар натижасида кечаги эркатой қизалоқ улғайиб, кўркам қизга айланади*) («Оила ва жамият». 1997. №2. – Б.12.); 3) «Ўрта ёшга оид» белгили тиббий эвфемизмлар (*Фарзанд қутаётган аёлларда эрталаб ва кечқурун кўнгил айланиши, ҳолсизлик, бош айланиши кузатилади. Халқ тилида бу бошқоронғулик дейилади*) («Шифо-инфо». 2018. №18. – Б.27.); 4) «Кексаликка оид» белгили тиббий эвфемизмлар (*Соч оқариши физиологик жараён бўлиб, тананинг сўлиши белгиларидан биридир*) («Шифо-инфо». 2018. №15. – Б.7.); 5) «Ёшга оидлик» нейтрал тиббий эвфемизмлар (*Ширинча тошмалари кўпинча баданнинг очиқ соҳаларига тошади. Баъзан пуфаклар терининг анча қисмини қоплаб олади*) («Сихат саломатлик». 2013. №3. – Б.9.) гуруҳининг мавжудлиги аниқланди.

Умуман, нутқ вазияти ва шароити, ижтимоий синф, ижтимоий роль, ижтимоий мавқе, жинсий мансублик ва ёшга хослик каби омиллар тиббий эвфемаларнинг социал хусусиятларини белгилашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. О.С.Ахмановой Лингвистический энциклопедический словарь /под ред. –2-е изд., стер. – М.: УРСС: Едиториал УРСС, 2004. – 571 с.
2. Шмелёв Д. Н. Эвфемизмы // Русский язык: энциклопедия // под ред. Ф.П.Филина. – Москва: Советская энциклопедия, 1979
3. Лузина Л.Г. Социальный аспект лингвистических исследований (Обзор) // Социоллингвистика вчера и сегодня. – Москва: 2004; Беликов В.И., Крысин Л.П. Социоллингвистика. – Москва: 2001. – 41 с
4. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. док-ри... дисс. – Тошкент, 2009. – 253 б.

5. Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Тошкент:1963. –19 с.
6. Шарипова Ф. Социолнгвистические аспекты эвфемии // Актуальные проблемы филологии: материалы II Междунар. науч. конф. – Краснодар: Новация, 2016. – 74 с
7. Gaybullayeva N.I. Classification of the structural groups of medical euphemisms in the uzbek language / International Journal of Control and Automation/ 2020. 115-120 p
8. Gaybullayeva N.I. Gender Differences In Medical Euphemism / Solid State Technology Volume: 63 Issue / 4 Publication Year: 2020. 5233-5241 p

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000